

## ҚОРАКЎЛЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

**Шодиев Бекзод Тўлкинович,**  
**Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг**  
**доценти, и.ф.ф.д. (PhD)**

**Аннотация.** Мақолада қоракўлчиликда инновацион технологиялар самарадорлиги масаласи баён этилган. Қоракўлчилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида кўшилган қиймат занжири динамикаси бўйича инновацион фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** яйлов, чорвачилик, қоракўлчилик, экотизим, ресурстежамкор ишланма, таназзулик, биохилма-хиллик, иқтисодий самара.

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В КАРАКУЛЕВОДСТВЕ

*Шодиев Б.Т., доцент,  
кафедра «Инновационная экономика»  
Каршинский инженерно-экономический институт (г. Карши,  
Узбекистан)*

**Аннотация.** В статье описана эффективность инновационных технологий в каракулеводстве. Были представлены инновационные идеи по динамике цепочки добавленной стоимости в системе подготовки, переработки и реализации продукции каракулеводства.

**Ключевые слова:** пастбища, животноводство, каракулеводство, экосистема, ресурсосберегающее освоение, деградация, биоразнообразие, экономическая эффективность.

## EFFICIENCY OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN KARAKUL FARMING

**Shodiyev B.T., associate professor,  
Department of “Innovative Economics”  
Karshi Engineering and Economic Institute (Karshi, Uzbekistan)**

**Annotation.** The article describes the effectiveness of innovative technologies in karakul farming. Innovative ideas were presented on the dynamics

of the value chain in the system of preparation, processing and sale of karakul products.

**Key words:** pastures, animal husbandry, astrakhan breeding, ecosystem, resource-saving development, degradation, biodiversity, economic efficiency.

Қорақўлчилик тармоғининг мавжуд салоҳиятини ҳар томонлама ошириш, тармоқдаги хўжаликларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, “қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш-тайёрлаш-саралаш-қайта ишлаш-сотиш тизимида”ги корхоналар ўртасида иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, пировард натижада ушбу тармоқни барқарор ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида институционал ислохотларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу долзарб масалаларнинг ижобий ечимини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сонли “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2020 йил 2 сентябрдаги ПҚ-4817-сонли “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш асосида қорақўлчилик тармоғида инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, насл тозалиги ва наслдорлик кўрсаткичларини яхшилаш, барқарор озуқа базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш бўйича фаолиятни кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган топшириқларнинг ижросини изчил ва самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 705-сонли “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга

мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Янгидан ташкил қилинган қўмитанинг қорақўлчилик тармоғи бўйича асосий вазифалари этиб:

- қорақўлчиликни ривожлантириш тармоқда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, шунингдек, ушбу тармоқни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;

- яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, қорақўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;

- қорақўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

- қорақўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хом ашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда қорақўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташқи бозорларда сотишга қўмаклашиш;

- қорақўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш каби йирик қўламдаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Умумий таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўзбек қорақўли брендини яратиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда майда шохли наслдор молларни қўпайтириш, шунингдек, уларни сўйиш, тери ва жунини қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, тармоққа ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ва инновацион

технологияларни жорий этиш, сув билан таъминланмаган яйловларда янги сув иншоотларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш борасида бир қатор тизимли муаммоларнинг ижобий ҳал қилиш билан бир вақтда, мавжуд яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, чўл озуқа экинларининг уруғчилик майдонларини кенгайтириш, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, соҳада экспортбоп қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш каби масалалар энг асосий долзарб вазифалар сифатида юзага чиқмоқда эди.

Юқоридаги вазифаларни қисқа муддатда ижобий ҳал қилиш, бунда қоракўлчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, яйловлардан самарали фойдаланиш ва яйловлардан фойдаланишда солиқ имтиёзларини қўллаш, уруғчилик ишини йўлга қўйиш, наслчилик ишларини такомиллаштиришда субсидия бериш тартибини қўллаш ҳамда соҳанинг илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПҚ-4984-сонли “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Худудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос жун йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш, озуқа базасини ривожлантириш, тери ва жунни қайта ишлаш, улардан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, яйлов майдонларида табиий равишда ўсувчи каврак плантациялари захираларидан барқарор фойдаланиш, шунингдек, пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сонли “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур вазифаларни қоракўл наслчилик масъулияти чекланган жамиятларида босқичма-босқич амалга оширилиши пировард натижада қоракўлчилик тармоғи жойлашган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий

жихатдан ривожлантириш, тармоқни бозор тамойилларига мос равишда бошқариш ва мувофиқлаштириш, пировард натижада қорақўлчиликда инновацион технологиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни барқарор самарали жорий қилишни таъминлаш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4984-сонли қарори, 09.02.2021. <https://lex.uz/docs/5275644>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5178-сонли қарори, 08.07.2021. <https://lex.uz/ru/docs/5499558>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сонли Фармони, 02.09.2020. <https://lex.uz/docs/4980311>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4817-сонли қарори, 02.09.2020. <https://lex.uz/docs/4979915>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, №705, 10.11.2020. <https://lex.uz/docs/5090474>
6. Berdiyev, A. H., & Rasulov, K. K. (2022). Prospects for Cluster Activities in the Agricultural Sector: Problems and Solutions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 99-108.

7. Файзиева Ш. Ш., Юлдашева Ш. А. ВЛИЯНИЕ ПОСТРОЕНИЯ ДЕШЕВОГО ЖИЛЬЯ НА ОБНОВЛЕННЫЕ МОДЕЛЬНЫЕ ПРОЕКТЫ В СЕЛЬСКИХ МЕСТАХ НА БЛАГОПОЛУЧИЕ НАСЕЛЕНИЯ //Экономика и социум. – 2020. – №. 12-2 (79). – С. 268-272.

8. Самиева Г. Т., Номазов Б. УЗБЕКИСТАН НА ПУТИ К СОКРАЩЕНИЮ БЕДНОСТИ: ОПЫТ КИТАЯ //Экономика и социум. – 2022. – №. 10-1 (101). – С. 530-536.

9. Taylakova D. B. ENSURING EMPLOYMENT THROUGH THE DEVELOPMENT OF SERVICES IN RURAL AREAS //Экономика и социум. – 2022. – №. 12-1 (103). – С. 262-269. Taylakova D. B. ENSURING EMPLOYMENT THROUGH THE DEVELOPMENT OF SERVICES IN RURAL AREAS //Экономика и социум. – 2022. – №. 12-1 (103). – С. 262-269.

10. Normamatov I.B. REDUCTION OF EXTERNAL BANK CIRCULATION OF CASH AS A COMPULSORY CONDITION IN DEVELOPMENT OF PAYMENT BY CHEQUE IN COUNTRIES OF CIS // Экономика и социум. 2020. №12 (79). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/reduction-of-external-bank-circulation-of-cash-as-a-compulsory-condition-in-development-of-payment-by-cheque-in-countries-of-cis>

11. Mukhayyo Dustova. (2023). PROSPECTS OF IMPROVING INDEPENDENT EDUCATION IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN. Intent Research Scientific Journal, 2(3), 30–34. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/46>

12. Номазов Б Курбанов А.Б., ИНВЕСТИЦИОННЫЕ ТРЕНДЫ И ПРИНЦИПЫ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101).